

ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН ОРОНИМЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА МЎҒУЛЧА ЛЕКСИМАЛАРНИНГ ИШТИРОКИ

**О.Т. Бегимов, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти доценти,
филология фанлари номзоди**

Жанубий Ўзбекистон оронимлари таркибида туркий ва мўғул тиллари учун муштарак бўлган олтой даврига хос бўлган морфемалар учрайди. Улар ўзбек тилининг сўнги даврлар тараққиёти давомида турли фонетик, семантик ва грамматик ўзгаришларга учраган, ўзбек тилига хос бўлган турли морфемалар қўшилиб, янги номлар ясалган. Тарихий-ижтимоий тараққиётнинг маълум бир даврларида туркий тилларга мўғул тилидан бир қанча сўзлар ўзлашганлиги маълум. Айниқса, мўғуллар истеълоси даврларида бу жараён янада кучайган. Ўтмишда туркий (ўзбек) тилда қўлланган мўғулча сўзлар кўп бўлган, лекин уларнинг кўпчилиги тарихий тараққиётнинг кейинги даврларида истеъмолдан чиқиб кетган. Ҳозирги ўзбек тилида ўтмишда фаол қўлланган, кейинчалик истеъмолдан чиқиб, эскирган кўп сўзлар мўғул тили луғат фондида баъзи бир фонетик ва семантик фарқлар билан ҳозир ҳам қўлланади. Айниқса, от туркумига тегишли айрим сўзлар ҳар иккала тилда бир хил маъно хусусиятларини намоён этади. Бу хусусиятни ўзбек в мўғул тиллари лексикасининг барча соҳаларида кўриш мумкин. Шундай сўзлар орасида орографик объектларни ифодаладиган кўплаб сўз-терминлар ҳам мавжуд бўлиб, улар кейинчалик ўзбек тили оронимларининг ясалишига моддий асос бўлиб хизмат қилган.

Жанубий Ўзбекистоннинг мўғулча луғавий бирликлардан ясалган оронимларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

1. Асос қисми ҳозирги ўзбек тилида истеъмолдан чиққан, аммо мўғул тилида мавжуд бўлган сўзлардан ясалган оронимлар: кўба, мўғулча гоби “ўти камроқ тошли ва қумли чўл, дашт, майдон, умуман чўл [1:170]: Кўба (Қамаши т, қ.-қ., дастлаб ороним сифатида вужудга келган), Каттакўба (Қамаши т, қ.-қ., дастлаб ороним бўлган); дурсун, мўғулча дэрсэн “чий, камиш”: Дурсун (Чирокчи т, қ.-қ.). кўн “қоя, чўққи; жарли қирғоқ”: Қўнақай

(Яккабоғ т., баландлик, қ-қ.); бур, бўри “қиялик, эниш, нишоб: Бўрлик (Чироқчи т., баландлик), Бўрижар (Шахрисабз т., жар), Бўрикапчиғай (Ғузор т., дара); нура, нур “ жар, чуқурлик; тош уюми, тоғнинг ўпирилиб тушган жойи; унинг нуру шакли “тоғ тизмаси” маъносига эга: Нурқай, Нурақай, Каттанурқай (Ғузор т., тоғ) [1: 277].

2. Сўз асоси ҳозирги ўзбек тилида қўлланмайдиган, аммо мўғул ва бошқа туркий тилларда мавжуд бўлган сўзлардан ясалган оронимлар: мўғулча байр “хона, иморат, уй, жой, тўхташ жойи [1:57]; қозоқ тилида байыр “тепа, баландлик, баландлик улчами паст бўлган дўнглик”; озарбайжонча байыр “тепа, дўнглик”; мисоллардан кўринадики, мўғулча байр сўзи бир мунча семантик ўзгаришга учраган, айрим туркий тилларда у орографик тушунча ифодалайди, бу сўз шу хусусиятига кўра оронимлар ясаган ва уларнинг баъзилари кейинчалик бошқа турдаги объектлар номларига ўтган: Чўлибайир (Ғузор т, жой), Қорабайир (Косон, Шахрисабз т, қ-қ., дастлаб ороним бўлган);

Ўзбекистон оронимлари таркибида кўп учрайдиган индикаторлардан бири “довон” дир. **Довон** - тоғнинг ошиб ўтиш қулай бўлган жойи. Ўзбекистонда довон атамаси билан бирга бел, ошув терминлари ҳам ишлатилади. Тарихий манбаларда учрайдиган арт, ақба, кўтал, пушта, арба сўзлари ҳам довоннинг синонимларидир. Довонлар – ўтиш йўли бўлган жой. Шунинг учун улардан ўтмишда ҳам, ҳазар ҳам йўл сифатида фойдаланилади: Камчилик довони, Тахтиқарача довони. Бу сўз келиб чиқишига кўра мўғул тилига тегишли деб ҳисобланади. У ўзбек тилига апелляциятив сифатида ўзлашиб, кейинчалик оронимлар ясалишига хизмат қилган.

Мўғул тилида «дабан», бурятча «дабан» - довон (тоғдан ошиб ўтиш жойи) [1:137]. Туркий тилларда даван ~ дабан ~ даба:н ~ довун шаклларида қўлланилади. Бу шакллар дабамоқ (ўзаги – даба) – тоғдан ошиб ўтмоқ феъл ўзагига -н қўшимчаси қўшилишидан ҳосил бўлган [4:112]. Ўрта Осиёнинг мўғулча топонимларига бағишланган бир қатор махсус тадқиқотларда добон // довон терминига алоҳида тўхталилган. Э. М. Мурзаев қайд этишича, довон

терминини Қирғизистоннинг ҳар қандай туманида кўриш мумкин, айниқса, у Иссиқкўл, Қўчқор, Суусами ва Жумғал ҳавзаларида нисбатан кўп, жануби-ғарбда нисбатан кам учрайди [2:65].

В.А. Никоновнинг тахминича, «добон» сўзи индикатор сифатида маълум бир даражада Ўш ва унга туташ ҳудудларда XIII-XIV асрлардан бошлаб қўлланила бошлаган. Бу даврларгача доvon сўзининг қўлланганлиги тўғрисида ёзма манбаларда бирон бир қайд мавжуд эмас. Шу даврлардан бошлаб, доvon сўзи Қирғизистонда фаол қўлланган арт индикаторини истеъмолдан суриб чиқара бошлаган. Бу жараён XVIII асрларгача давом этган бўлиши мумкин [3:103].

Демак, доvon атамаси XIII-XIV асрлардан бошлаб секин аста истеъмолга кириб кела бошлаган. Ўзбекистон ҳудудида ҳам доvon атамасининг кенг ёйилиши ва туркийча “кўтал”, арабча “уқба”, форс-тожикча “пушта” атамаларини истеъмолдан суриб чиқариши В.А. Никонов кўрсатганидек, XVIII асрларгача давом этган бўлиши мумкин. Бундан кейинги даврларда доvon атамаси бу тушунчани ифодалашда асосий атама сифатида қўлланилиб келмоқда.

Адабиётлар

1. Монгольско-русский словарь. М., 1957.
- 2.8. Мурзаев Э. М. Монгольские элементы в топонимии Киргизии. – Географические исследования в Киргизии. Фрунзе, 1970.
- 3.10. Никонов В.А. Заметки по оронимии Киргизии // Ономастика Средней Азии. Москва, 1978. стр. 86-105.
- 4.12. Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. М., 1974; Б. 1973; В-Д, 1980.